

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИ, ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР САЙЛОВ  
КОМИССИЯЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАР КОМПЛЕКС  
РЕЖАСИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5, 9-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 9-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича тадбирлар комплекс режаси иловага<sup>1</sup> мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари раислари, шунингдек манфаатдор вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари мазкур тадбирлар комплекс режасининг ўз вақтида бажарилишини таъминласин.

3. Ушбу қарорнинг ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К.Адилов зиммасига юклансин.

4. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**

*Тошкент шаҳри,  
2016 йил 19 август,  
№ 725.*

---

<sup>1</sup> Қарор иловасиз эълон қилинмоқда.